**Кириб келаётган Янги йилингиз билан!**

# БАНК АХБОРОТНОМАСИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси ISSN 2010-6602

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда № 52 (1127), 2017 йил 28 декабрь

**2018 ЙИЛ – ФАОЛ ТАДБИРКОРЛИК, ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ**

## ЎЗГАРИШЛАР СИЛСИЛАСИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасини тинглаб...**

Якунланаётган йилда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётида муҳим ўзгаришлар, катта тарихий воқеаларнинг гувоҳи бўлдик. Бу воқеалар аҳоли ҳаётида туб бурилишлар ясаб, халқ билан мулоқот принципига ғоят уйғун ва ҳамоҳанг бўлди. Йил якунлари бўйича Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз парламенти – Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этгани эса ислоҳотларнинг бош мақсади – инсон манфаатларини таъминлаш эканини яна бир марта намоён этди.

Давлат раҳбарларининг миллий парламент аъзолари ҳузурида Мурожаатнома билан чиқиши дунё тажрибасида мавжуд. Давлат бошқарувининг бундай демократик усули бугун Ўзбекистон тарихида ҳам илк маротаба қўлланилди.

Мурожаатномада мамлакатимизнинг барча соҳа ва тармоқларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари атрофлича таҳлил этилди, келгуси вазифалар белгилаб берилди.

Иқтисодиётимизни мутлақо янги асосда ташкил этиш ва янада эркинлаштириш, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича қонунлар, фармон ва қарорлар, пухта ўйланган дастурлар қабул қилинди ва изчил амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда қисқа муддатда 161 та йирик саноат объекти ишга туширилди. Бу келгуси йилда қўшимча 1,5 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради.

Мурожаатномада келтирилган бундай рақам ва кўрсаткичлар барчамизга мамнуният ва чексиз фахрифтихор бағишлайди. Зеро, улар замирида халқимизнинг эзгу орзуси – буюк давлатни барпо этиш, авлодларимизга озод ва обод Ватан қолдириш, мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай яшашига эришиш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларимизнинг амалий ифодаси мужассамдир.

Эришган ютуқларимизнинг омиллари ҳақида гапирганда, мамлакатимиз иқтисодий сиёсатида нореал рақамлар ортидан қувиш, амалга ошмайдиган режаларни ҳақиқат сифатида тақдим этишдек номаъқул иш услуби танқидий қайта кўриб чиқилди. Амалий натижадорлик, инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати ислоҳотларнинг бош мақсади этиб белгиланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча эзгу орзу-интилиш ва ҳаракатлар, авваламбор, халқимизга муносиб турмуш шароити яратиб беришга, уни мустақил тараққиёт йўлимизнинг самараларидан баҳраманд этишга қаратилгандир.

Буни Мурожаатномада таъкидлаб ўтилганидек, 2017 йилда барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари 5,5 фоизни ташкил этгани, экспорт ҳажми 14,4 фоизга кўпайгани, ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 854 млн. АҚШ долларига етганида кўриш мумкин. Бу, авваламбор, давлатимизнинг оқил ва одил йўлдан бораётгани, халқимизнинг, одамларимизнинг даромади кўпаяётгани, фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир.

*(Давоми 2-бетда).*

МЕМОРАНДУМ

## «Ипотека-банк» ва ЕТТБ: истиқболли келишув

**«Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ўртасида умумий миқдори 30 млн. АҚШ долларига тенг битим имзоланди.**



«Ипотека-банк» АТИБ бош офисида бўлиб ўтган имзолаш маросимида муассаса раҳбарияти ҳамда ЕТТБ молиявий институтлари бизнес гуруҳининг бошқарувчи директори Ник Тессиман бошчилигидаги делегация аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

*(Давоми 2-бетда).*

## «Hamkorbank» ва ЕТТБ: ҳамкорликнинг янги босқичи сари

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар жараёнида Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармоннинг амалий ижроси кўплаб халқаро молия институтларининг Ўзбекистонда бизнес юритишга бўлган ишончи янада ортишига олиб келди.**

Хусусан, республикамиз банк-молия тизимини ривожлантиришда ва қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этаётган нуфузли халқаро молия институтларидан бири Европа тикланиш ва тараққиёт банкидир.

Пойтахтимиздаги «Radisson Blu Hotel» меҳмонхонасида чет эл капитали иштирокидаги «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) ўртасида кичик бизнесни кредитлаш ва савдони молиялаштириш йўналишларида икки томонлама шартномаларни имзолаш маросими ўтказилди.

Тадбирда «Hamkorbank» АТБ Бошқаруви раиси Назиржон Қодиров сўзга чиқиб, банк билан ЕТТБ ўртасидаги муносабатларни узоқ йиллик ишончли ва самарали ҳамкорлик алоқалари боғлаб туришини ҳамда бу мамлакатимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлаётганини қайд этиб ўтди. Шу боис бугунги имзоланаётган келишув ҳам ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишда қўшимча имкониятлар ҳозирлайди.

Маросимда ЕТТБ молиявий институтлари бизнес гуруҳининг бошқарувчи директори Ник Тессиман ҳам сўз олиб, ЕТТБ фаолиятида Ўзбекистондаги биринчи хусусий банклардан бўлмиш «Hamkorbank» АТБ билан алоқалар муҳим ўрин тутиши, ушбу банк анча йиллар давомида синалган ҳамкорлардан эканига алоҳида урғу бериб ўтди.

*(Давоми 2-бетда).*

*Реклама ўрнида*

*Хизматлар лицензияланган.*

# ЎЗГАРИШЛАР СИЛСИЛАСИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2018 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасини тинглаб...**

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб ном берганида ҳам катта маъно мужассам. 2017 йилда саноат корхоналарини қуриш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 300 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Ўз-ўзидан аёнки, тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи, демакки, долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал этувчи муҳим соҳага айланди.

Мамлакатимизда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд. Шу боис тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш муҳити шакллантирилмоқда.

Дарҳақиқат, тадбиркорлик халқимизнинг қонида бор. Аждодларимиз Буюк ипак йўли орқали савдо-сотиқ ишларини олиб борган. Йиллар ўтиши билан такомиллашиб борган бу соҳа бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан янги босқичда ривожланмоқда. Тадбиркорлар бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этаётир.

Президентимиз таъкидлаганидек, фаол тадбиркор деганда биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзи ва оиласига, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни кўз олдимизга келтирамиз.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилни Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили деб эълон қилар эканмиз, келгуси йили фаол тадбиркорликни ривожлантириш эътиборимиз марказида бўлади, деб қайд этди Мурожаатномада. Бу соҳани қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилади.

Юртимиз ишбилармонларининг йилдан-йилга тажрибалари ортиб бормоқда, улар ташқи бозорларни фаол ўзлаштирмоқда. Энди тадбиркорларимиз фаолиятига юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни янада кенгроқ жорий қилиш вақти келди.

Хорижидаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба ўрганиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун уларга ҳар томонлама имконият яратиб бериш бўйича изчил чоралар кўрилади. Мамлакатимиз барча соҳаларда тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, инновация – бу келажак дегани.

*ЎзА.*

# «Ипотека-банк» ва ЕТТБ: истиқболли келишув

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

«Ипотека-банк» АТИБ бошқаруви раиси О.Мусаев ҳамда ЕТТБ вакили Н.Тессиман томонидан имзоланган битимда очилажак кредит линиясининг 25 млн. доллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кичик бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга, 5 млн. доллари эса савдони молиялаштириш учун йўналтирилиши қайд этилди.

Бунда «Ипотека-банк» АТИБнинг барча минтақавий филиаллари орқали шаҳар марказларидан тортиб, олис қишлоқ ва овулларгача бўлган манзиллар кенг қамраб олинади. Мақсад – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда истиқболли бизнес-режаларни ишга тушириб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳар томонлама ривожланишига ҳисса қўшишдан иборат.

Томонларнинг савдони молиялаштириш юзасидан келишуви мамлакат ва хориждаги корхоналар ўртасида савдо алоқаларини ривожлантириб, бунинг асносида ўзаро минтақавий интеграция ва корреспондентлик муносабатларини мустаҳкамлашни кўзда тутган.

Кредит линиясининг 70 фоизи «Ипотека-банк»нинг вилоятлардаги филиаллари, 30 фоизи эса Тошкент шаҳрида ана шундай тузилмаси томонидан ўзлаштирилиши кутилмоқда. Бунда кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштиришнинг максимал суммаси бир қарз олувчи учун 1,5 млн. доллар ҳажмида белгиланди.

Айтиш жоиз, «Ипотека-банк» АТИБ ва ЕТТБ ўртасидаги дастлабки шериклик муносабатлари 2004 йилда бошланган бўлиб, ўша даврда ҳам мазкур халқаро молия муассасаси сармояси мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари фаолиятига жалб қилинган.

***Маълумот.** ЕТТБ Марказий Осиёдаги энг йирик институционал кредит берувчи саналиб, ўтган даврда инфратузилма, қишлоқ хўжалигидан тортиб, хусусий секторни ривожлантиришга қадар турли соҳалардаги лойиҳаларни амалга оширишга 11,6 млрд. евро (12,3 млрд. доллар) тақдим этган. Хусусан, 1992-2010 йилларда Ўзбекистонда ЕТТБ томонидан умумий миқдори 894 млн. евродан иборат 54 лойиҳа молиялаштирилган.*

Ўз навбатида, «Ипотека-банк» АТИБ ҳам Ўзбекистондаги энг йирик банклар тўртлигига киради. Жорий йил 11 ойдаги молиявий натижаларга кўра, унинг соф активлари 12,9 трлн. сўмни (йил бошидан буён ушбу кўрсаткич 125,7 фоизга ўсган), кредит маблағлари қарийб 10 трлн. сўмни (ўсиш 117,8 фоиз) ташкил этиб, умумий капитали 173,1 фоизга ўсган ҳолда 1,2 трлн. сўмдан ошди.

**Назира МАВЛОНОВА.**

HAMKORBANK

# «Hamkorbank» ва ЕТТБ: ҳамкорликнинг янги босқичи сари









**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Маросим доирасида 2 та йирик шартнома, яъни кичик бизнесни молиялаштириш мақсадларига умумий миқдори 20,0 млн. АҚШ долларига тенг бўлган ҳамда савдони молиялаштириш учун 10,0 млн. АҚШ доллари миқдоридаги келишувлар имзоланди.

*– Савдони молиялаштириш дастури банкка замонавий молиялаш воситаларини қўллаган ҳолда, мижозларнинг ташқи савдо амалиётларини молиялаштириш имконини беради ҳамда банк томонидан мижозларга тақдим этилаётган маҳсулотлар жозибадорлигини оширишга олиб келади, – дейди **«Hamkorbank» АТБнинг Ғазначилик департаменти директори Александр Хан.** – Энг муҳими, ушбу келишувлар мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали минглаб янги иш ўринлари яратиш, экспорт-импорт билан шуғулланувчи бизнес субъектларининг ташқи савдо алоқаларини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга хизмат қилади.*

«Hamkorbank» АТБнинг республикамиз бўйлаб фаолият юритаётган 33 филиали ва 158 та хизмат кўрсатиш шохобчаси мазкур банкнинг мамлакатимиз барча ҳудудларида кичик ва микробизнес субъектларини молиялаштиришда катта имкониятга эгалигидан далолат беради.

**Бекзод АКРОМОВ.**

**МАЪЛУМОТ УЧУН:**

*«Hamkorbank» АТБ ва ЕТТБ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тарихи 2001 йилда бошланган. Микро- ва кичик корхоналарни молиялаштириш йўналишида жами 13,0 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 4 та кредит келишуви имзоланган.*

*Шунингдек, савдони молиялаштириш соҳасида 3 та келишувга эришилган. Микро- ва кичик корхоналарни молиялаштириш йўналишида кредит линияларини ўзлаштириш давомида ЕТТБ томонидан банкка доимий равишда техник кўмак кўрсатиш дастурлари амалга оширилган. Техник кўмак доирасида мижозларни кредитлаш жараёнлари, кредитга лаёқатлилигининг таҳлилий модели ҳамда кредит мутахассисларини рағбатлантириш тизимлари ҳамкорликда ишлаб чиқилиб, татбиқ этилган.*

*Реклама ўрнида*

*Хизматлар лицензияланган.*

# Академик олимларимиз тажрибасидан фойдаланиш самара бермоқда

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ташкил этилган Илмий-методологик кенгашнинг навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йилнинг 30 декабрида илм-фан намояндалари, давлат ва жамоат ташкилотлари, Фанлар академияси аъзолари, етакчи олий таълим муассасалари ректорлари билан ташкил этилган учрашувда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётида илм-фаннинг ўрнини янада мустаҳкамлаш, академиклар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни рағбатлантириш, шунингдек, устоз-шогирд анъаналарини давом эттириш борасида берган алоҳида топшириқлари ижроси муҳокама этилди. Бу ҳақда www.cbu.uz сайтида хабар берилди.**

Таъкидландики, Марказий банкка бириктирилган Ўзбекистон Фанлар академияси академикларининг бой тажрибаси, илмий салоҳияти илм-фан нуфузини ошириш, унинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини кучайтириш, ёш ходимларнинг илмий тадқиқотлар олиб боришга қизиқишини орттириш, улар орқали янги билимлар ўзлаштирилиши ва назариялар шакллантирилиши келгуси амалий тадқиқотлар, таҳлиллар ҳамда инновацион ишланмалар учун замин яратмоқда.

Иқтисодиётнинг банк сектори меҳнат бозоридаги таркибий ўзгаришлар, фан ва техниканинг жадал ривожланиши, кундалик ҳаётда янги ахборот технологияларининг қўлланилиши шароитида банк тизими учун ёш малакали ходимларни тайёрлаш ва уларнинг замон талабларига мувофиқлиги, касб малакаларини ошириб бориш бўйича академиклар иштирокида ўқув курслари ва учрашувлар ташкил этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академияси академиклари иштирокида Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳиятини ёритиб беришга бағишланган илмий-амалий семинар, республикамиз мустақиллигининг йигирма олти йиллигига бағишланган «Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон», Бош Қомусимиз – Конституция қабул қилинган кунга бағишланган «Конституция, иқтисод ва фаровонлик» мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуманлар ғоят қизиқарли ва сермазмун бўлди.

Қайд этиш жоизки, Марказий банк Ўқув марказида академиклар Т.Бекмуратовнинг «Банк бизнесида янги ахборот технологиялари ва электрон тижорат», И.Искандаровнинг «Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари» ҳамда А.Саъдуллаевнинг «Ўзбекистон банк тизимида юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш» мавзусидаги маърузалари барча ходимлар, айниқса, ёш мутахассислар эътиборига сазовор бўлди.

Академик олимлар иштирокида ташкил этилаётган анжуманларда банк фаолиятини тартибга солишнинг замонавий принциплари ва механизмларини жорий этиш, миллий валюта ва нархлар барқарорлигини таъминлаш, макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш ҳамда янги ахборот технологияларини қўллаш каби йўналишларнинг қамраб олиниши тингловчиларнинг фикрлаш кўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олимларимизнинг илмий асосланган маърузалари устоз-шогирд анъанасининг бардавомлигини сақлаб қолмоқда. Улар банк тизимида ишлаётган, янги ва замонавий банк амалиётлари бўйича изланишлар, тадқиқотлар олиб бораётган, ўз малакасини ошириш устида мунтазам ишлаётган ходимларга тегишли йўл-йўриқлар бериб бормоқда. Уларнинг илмий изланишлари, кузатувлари ва таҳлиллари кўлами ва теранлигини ошириш учун ўзларининг бой тажрибаси билан ўртоқлашмоқда.

Ёш ходимларнинг илмий тадқиқотлар олиб боришга қизиқишини кучайтириш, улар орасида илм-фан нуфузини ошириш, фан ва амалиётнинг интеграциясини чамбарчас таъминлаш, академик олимларнинг интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида ташкил этилган Илмий кенгаш йиғилишида келгуси йилда амалга оширилажак ишлар режаси ҳам муҳокама этилди.

Реклама



# Тугалланаётган йилда кичик бизнес соҳаси устуворлик касб этди

**Мамлакатимизда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, рақобатни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар комплекси қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Эътиборлиси, ушбу ислоҳотларда тижорат банклари иштироки йил сайин кучайиб бормоқда.**

2017 йилда банкларнинг биргина Фарғона минтақавий филиаллари томонидан амалга оширилган ишлар хусусида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Фарғона вилояти Бош бошқармаси бошлиғи Туробжон Қундузов бизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

– 2017 йилда тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулкнинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга оид аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

Кичик бизнес корхоналарининг имтиёзли кредитлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида банкларда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармалари ташкил этилди.

Банк ҳисобварақларига масофадан туриб хизмат кўрсатилиши сезиларли даражада арзонлаштирилди, ваколатли банклар томонидан экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш муддати кескин қисқартирилди.

Ўз бизнесини эндигина бошлаган оилавий бизнес субъектларига, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига дастлабки сармояни шакллантириш учун микрокредитларни ажратишда таъминот сифатида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахсларнинг кафиллигини кенгроқ қабул қилиш юзасидан тижорат банклари Бошқарувларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Натижада 2017 йилнинг 11 ойи давомида вилоят банклари томонидан «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига 1 трлн. 172 млрд. 587 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Микрокредитлар 358,6 млрд. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробарга ортди.

Бунда соҳа субъектларининг юқори технологик ва инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, вилоятимизнинг чекка ҳудудларида замонавий ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси билан боғлиқ инфратузилмаларни ташкил этиш лойиҳаларини кредит маблағлари билан таъминлашга асосий эътибор қаратилди.

Шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарни, хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ва ёш оилаларнинг тадбиркорлик фаолиятини имтиёзли шартларда кредитлаш амалиёти кенгайиб бормоқда.

Вилоят тижорат банклари томонидан салоҳиятли ва кредитга лаёқатли бўлган талабгорларга марказий кўчаларда замонавий маиший хизмат ва сервис объектларининг қурилиш-таъмирлаш ишлари учун кредит маблағлари ажратилди. Бу ўз навбатида, ҳудудлар (шаҳарлар ва туманлар) қиёфаси замонавий тусга кириб, тубдан ўзгаришига, замонавий сервис ва хизмат кўрсатиш объектлари барпо этилиб, янги иш ўринлари ташкил қилинишига турткі бўлмоқда.

Айтиш жоиз, 2018 йилда ҳам вилоят банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш, аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш, ёш оилаларга микрокредитлар ажратиш, улар учун намунали уй-жойлар қуриш вазифалари долзарблигича қолиб, бу борада самарали ишлар амалга оширилади.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимизни кириб келаётган янги йил билан табриклайман. Барчага мустаҳкам соғлиқ, хонадонига қут-барака, оилавий бахт тилаб қоламан.

*Ҳамдам АМИНОВ ёзиб олди.*

Реклама



Реклама

MIKROKREDITBANK

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки

Юртимиз аҳолисини

Янги – 2018 йил

билан муборакбод этади!

Сизга ва яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, чексиз бахт, тинчлик, муваффақият ва фаровонлик тилайди. Янги йилда ишларингиз омад ва ютуқларга бой бўлсин. Оилангизга меҳр, осойишталик ва чексиз қувонч ёр бўлсин.



www.mikrokreditbank.uz

Хизматлар лицензияланган.

# ТИФ Миллий банки:
## янги йилга янги хизматлар

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 2018 йил мамлакатимизда «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан янги омонатларни жорий қилди.**

ТИФ Миллий банки мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар иштирокчиси сифатида жараёнларда фаол қатнашиб келмоқда.

Хусусан, Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасидан сўнг муассаса 2018 йилга берилган номдан келиб чиққан ҳолда ўз омонатларини янгилаб, жисмоний шахслар учун миллий валютада «Инновация» ва «Байрамона» номли муддатли омонат турларини амалиётга киритди.

Унга кўра, «Инновация» депозитининг сақлаш муддати 1 йил, маблағлар қўшимча бадалларсиз нақд пул кўринишида ёки пластик карточкалар орқали қабул қилинади. Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар капитализациясиз мижоз пластик карточкасига ёки «Milliy» мобиль иловаси орқали бошқариш имконияти мавжуд бўлган махсус ҳисоб рақамга (электрон ҳамёнга) ўтказиб берилади.

ТИФ Миллий банкининг навбатдаги янги омонати «Байрамона» деб номланди. Унда мижоз маблағи 3 ой сақланиши белгиланган бўлиб, дастлабки кирим қилинадиган минимал сумма миқдори 1 000 000 сўмдир.

Шунингдек, ушбу омонатга маблағлар нақд пул ёки пластик карточкалар орқали қўшимча маблағларни киритиб бориш шарти билан қабул қилинади. У бўйича ҳисобланган фоизлар эса капитализациясиз мижознинг талаб қилиб олгунча омонат ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

«Байрамона» омонатига маблағлар 2018 йилнинг 28 февралига қадар қабул қилинади.

Шу ўринда айтиш жоиз, яқинда ТИФ Миллий банки томонидан янги мобиль-банкинг хизмати – «Milliy» мобиль иловаси расман ишга туширилди.



Мазкур хизмат нафақат мобиль телефон орқали пул маблағларини бошқариш учун восита, балки рақамли банкинг соҳасида муассасанинг ривожланишида эволюцион босқич ҳамдир.

Мижозлар мазкур илова ёрдамида стандарт тўлов тизимлари бўлмиш турли хизматлар ҳақини тўлаш ва пластик карталардан маблағлар ўтказиш билан бир қаторда навбат олиш, бланкаларни тўлдириш, шаҳар кўчаларидаги трафик ва ҳоказоларга вақт ажратмай, ўз ишларини енгиллаштириш имкониятига ҳам эга бўладилар.

«Milliy» сервисининг асосий хусусиятларидан бири сифатида пул ўтказмалари учун хизматлар қиймати 0,5 фоиз эканлигини ҳамда ўтказма миқдори бўйича маълум лимитнинг белгиланмаганлигини қайд этиш мумкин.

Шунингдек, илованинг бошқа алоҳида жиҳатлари қаторида «UzCard» ва «Visa NBU» карталари бўйича қолдиқлар ҳамда кўчирмаларни кўриш, уларни масофадан бошқариш, жумладан, блоклаш/очиш функцияларини бажариш, шунингдек, мижоз (бевосита ТИФ Миллий банки мижози)нинг ўз ҳисоб рақамлари, депозитлари ва кредитлари бўйича маълумотлар олиш имкониятлари мавжудлигини санаб ўтиш жоиз.

«Milliy» мобиль иловасини «App Store» ва «Google Play»да мобиль қурилмага бепул юклаб олиш орқали унинг барча афзалликлари билан танишиш мумкин.

*Эъзоз КАМОЛОВА.*

# Кредит ҳисобига йигирма мингта иш ўрни

**Андижон вилояти тижорат банклари корпоратив ва хусусий мижозларга банк хизматларининг тўлиқ мажмуасини кўрсатади. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, асосий тармоқларнинг барқарор ишлаши ва аҳолининг бандлигига кўмаклашиш, шунингдек, кичик бизнес корхоналари ва тадбиркорликни юксалтириш бўйича зиммасидаги вазифаларни амалга ошириш улар фаолиятининг муҳим таркибий қисмидир.**

Ўтиб бораётган 2017 йилда вилоят банклари томонидан қўлга киритилган ижобий ютуқлар ҳақида **Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Андижон вилояти Бош бошқармаси бошлиғи Элёрбек Усмонов** қуйидагиларни гапириб берди:

– Мамлакатимизда тадбиркорликни жадал тарзда ривожлантириш филиалимизга кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ўз ресурслари ҳисобидан бериладиган кредитлар ҳажмини кўпайтиришга замин ҳозирлади.

Жорий йилнинг 11 ойи давомида вилоят тижорат банклари филиаллари томонидан кичик бизнес субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 1 трлн. 203 млрд. 191 млн. сўмдан зиёд кредит маблағлари берилди. Ажратилган кредитлар эвазига 20 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Филиалларнинг стратегик мақсади – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кенг доирада хизматлар кўрсатишдан иборат. Банк филиаллари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган товарларни ишлаб чиқариш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва янги иш ўринларини яратиш ҳисобига маҳсулотни кўпайтиришга йўналтирилган лойиҳаларга алоҳида эътибор берилади.

**– Элёрбек Тўлқинович, вилоят банклари томонидан 2017 йилда омонатлар портфелини шакллантириш, мижозларга интерактив хизматларнинг янги турларини жорий этиш борасида қандай ишлар амалга оширилди? Бу борада 2018 йилги режалар билан ҳам ўртоқлашсангиз.**

– Андижон вилоятидаги тижорат банклари филиаллари чакана хизматлар бўлимлари, мини-банклар орқали аҳолига сифатли банк хизматлари кўрсатмоқда. Филиаллар томонидан жисмоний шахслар учун миллий ва хорижий валютада юқори фоизли, 3 ойдан 18 ойгача бўлган муддатли омонатлар тақдим этилмоқда.

Филиал ва мини-банклар орқали чет элда ишлаётган ва ўқиётган ҳамюртларимиз томонидан ўз яқинларига жўнатилган чет эл валютасидаги пул жўнатмаларини олиш имконияти тобора кенгайиб бормоқда.

Ҳозирда филиалларимизда «Вестерн Юнион», «Контакт», «Анелик», «Быстрая почта», «Мигом», «Юнистрим», «Золотая корона», «Алюр», «MoneyGram» каби халқаро пул ўтказмалари тизимлари ишлаб турибди.

Вилоят тижорат банклари филиаллари томонидан корхона ва муассасалар билан иш ҳақи лойиҳаси бўйича шартномалар тузилган. Ҳозирда терминаллар ва инфокиосклар ишлаб турибди. Онлайн тизимида мижозларга хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд.

Филиалимиз томонидан мижозларга «Интернет-банкинг», «СМС-банкинг», «Мобиль-банкинг» каби юқори технологияларга мосланган замонавий банк хизматлари таклиф этилаётган бўлиб, улар интернет ва мобиль телефонлари орқали банк хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмоқда. Ушбу хизмат турларидан ҳозирги кунда фойдаланаётган мижозлар сони ортиб бормоқда.

Мақсадимиз «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари» йили мақсадларига ҳамоҳанг равишда мижозларга уларнинг бизнесини ривожлантиришда ёрдам бериш ҳамда банклар даромадларини кўпайтириб, уларнинг молиявий имкониятини оширишга қаратилган.

**– Янги йил олдидан газетхонларимизга тилакларингиз?**

– Юртимиз аҳолисини яқинлашиб келаётган янги йил байрами билан чин юракдан муборакбод этаман. Уларга мустаҳкам соғлиқ, хотиржамлик ҳамда меҳнат фаолиятларига муваффақиятлар тилайман.

***Ҳамдам АМИНОВ***
***суҳбатлашди.***

Реклама



# Инвестициялар – мамлакатни модернизациялаш гарови

**Ҳар йили ҳукуматимиз томонидан инвестиция дастури ишлаб чиқилиб, уни амалга оширишда тижорат банклари кенг жалб қилинади. «Ўзсаноатқурилишбанк» акциядорлик тижорат банки ана шундай устувор вазифалар ижросида камарбастадир.**

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида муассасанинг барча минтақавий филиаллари томонидан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар учун жами 3 трлн. 166,5 млрд. сўмдан зиёд инвестицион кредитлар ажратилди. Бунда кредит маблағларининг 2 трлн. 169 млрд. сўми миллий валютада, 997,5 млрд. сўмдан ортиғи эса хорижий валютада тақдим этилган. Улар, жумладан, «Landesbank Berlin AG», «Commerzbank AG» (Германия), «Raiffeisen Bank International» (Австрия), Хитой давлат тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби хорижий молия институтларининг кредит линиялари орқали йўналтирилди.

*– Юртимизда қурилиш соҳасида турли инновацион ғоя ва лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида мазкур бозор кўлами тобора ривожланмоқда, – дейди* ***«Vodiy toza havo» хусусий корхонаси раҳбари Равшан Валиев.*** *– Мазкур жараён хусусий сектор ўртасида шаклланаётган соғлом рақобат ҳисобига юзага келаётгани эса айни ҳақиқат. Биз ҳам бугунги давр талаб ва таклиф мезонларидан келиб чиққан ҳолда янги лойиҳа ишлаб чиқиб, «Ўзсаноатқурилишбанк»дан молиявий кўмак беришини сўрадик. Бизнес-режамизнинг умумий миқдори 1,625 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, бунда банк чет давлатдан технологик асбоб-ускуналар харид қилишга (кредит қиймати 1,100 минг доллар), ўз ҳисобимиздан эса қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга келишиб олдик. Мақсадимиз замонавий ва сифатли ламинатланган ДСП ҳамда ламинат (ТАРКЕТ) маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборатдир. Лойиҳамиз ишга тушса, 24 та иш ўрни яратилади, истеъмолчиларга йилига импорт ўрнини босувчи 2,3 млрд. сўмлик (77 000) ЛДСП ҳамда 3,3 млрд. сўмлик (356 мингга яқин) ламинат етказиб берилади.*

Дарҳақиқат, банк томонидан йўналтирилган сармоялар иқтисодиётнинг барча йўналишларини қамраб олган. Жумладан, уларни тармоқлар кесимида кўрадиган бўлсак, саноатга 1 млрд. 433,7 млн. сўм, қишлоқ хўжалигига 137,4 млн. сўм, транспорт ва алоқа соҳасига 136,4 млн. сўм, қурилишга 134,2 млн. сўм ажратилганининг гувоҳи бўламиз. Шунингдек, банк кредит портфелида корхоналарнинг моддий-техник таъминотини модернизациялаш, айланма маблағларини тўлдириш, уй-жой коммунал хўжаликлари фаолиятини барқарорлаштириш каби мақсадлар учун йўналтирилган кредитлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

*– Шунингдек, муассасамиз томонидан озиқ-овқат саноатига доир инвестицион лойиҳаларга алоҳида эътибор қаратилади, – дейди* ***Банк инвестицион фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш департаменти директори ўринбосари Отабек Тошев.*** *– Жорий йилнинг ўтган даврида мазкур йўналишда молиялаштирган лойиҳаларимиздан бири сифатида «Guliston agro group» МЧЖ (Сирдарё вилояти) билан ҳамкорликда гуручни қайта ишлаш ва қадоқлаш комплексини барпо этиш бизнес-режасини қайд этишимиз мумкин. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, комплекс ишга туширилса, йилига 350 тонна гуручли болалар бўтқаси ва 2 минг тонна қадоқланган гуруч маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Юзга яқин вилоят аҳолиси доимий иш ўрни билан таъминланади.*

***Назира МАВЛОНОВА.***

# «Универсал банк» корреспондентлик муносабатларини кенгайтирмоқда

**«Универсал банк» хусусий акциядорлик тижорат банки Россия Федерацияси ҳудудида 1996 йилда таъсис этилган биринчи Ўзбекистон – Россия қўшма банки – «Азия-Инвест Банк» билан корреспондентлик муносабатларини ўрнатди.**



«Азия-Инвест Банк»нинг асосий вазифаси товар айланмалари бўйича хизмат кўрсатиш, иккала мамлакатда савдо ҳамкорларининг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини ва ташқи савдо операцияларида ҳисоб-китобларнинг ишончлилигини таъминлашдан иборат. Банк жадал ривожланмоқда ва банк хизматлари бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаган.

«Азия-Инвест Банк» кенг кўламда банк хизматларини таклиф этиб келмоқда. Ҳисоб-китоб касса хизматлари, кредитлаш, савдони молиялаштириш, ҳужжатли ва конверсия операциялари, банк кафолатлари, депозитлар, векселлар билан боғлиқ амалиётлар шулар жумласидандир.

Эслатиб ўтамиз, «Универсал банк» ХАТБ мижозлар ҳамда ҳамкорларга кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида корреспондент- банклар сонини ошириш йўлидаги чора-тадбирларни давом эттирмоқда. Ўтган ойда банк Корея Республикасининг машҳур банки – «Kookmin Bank» билан ҳам ана шундай муносабатларни йўлга қўйган эди.

***Жасур МИРЗАЕВ.***

Реклама



Реклама




# Ҳамкорликнинг янги босқичи

**Пойтахтимизда Туркия Савдо палаталари ва товар биржалари уюшмасининг президенти раҳбарлигида Туркия Республикаси ишбилармон доиралари делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида Ўзбекистон – Туркия бизнес форуми ташкил этилди.**

Ўзбек ва турк компаниялари ўртасида савдо алоқалари йўлга қўйилишини қўллаб-қувватлаш, янги қўшма корхоналарни ишга тушириш ва ўзаро инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган ишбилармонлик учрашувида дастлаб томонлар ўз мамлакатларининг савдо-иқтисодий салоҳияти, сармоявий ҳамкорлар учун яратилган шарт-шароитлари хусусида ахборот алмашишди.

Сўнгра тадбирда икки давлат тадбиркорлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Ўзаро фикр алмашув чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари ҳам батафсил ўрганилди. Икки давлатнинг иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятидан келиб чиқиб, янги босқичдаги ҳамкорлик йўналишлари белгилаб олинди.

Айтиш жоиз, Туркия Ўзбекистоннинг анъанавий ва муҳим савдо ҳамкори ҳисобланади. 2000-2016 йилларда ўзаро маҳсулотлар айланмаси деярли етти баробарга ўсиб, 2016 йил якунлари бўйича 1,2 млрд. АҚШ долларига етди.

*– Кўрсаткичлардан маълумки, ҳамкорликни ривожлантириш учун мавжуд салоҳият ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти, – дейди **Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Адхам Икрамов.** – Яқин йиллар ичида бу масалалар тўлиқ бартараф этилиб, савдо-иқтисодий алоқаларга доир кўрсаткични 2-3 бараварга ошириш бўйича тегишли чоралар ишлаб чиқилмоқда. Бу борада мазкур учрашув келажак сари қўйилган муҳим қадам саналади.*

***Ширин БАЙСЕНОВА.***

# ОТБнинг «Ўзбекэнерго»га сармоявий ва техник кўмаги

**Пойтахтимизда «Ўзбекистонда энергетика тизимини ислоҳ қилиш ва халқаро молиялаштириш стандартларини ўрганиб чиқиб ҳаётга татбиқ этиш» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди.**

Тадбир Президентимизнинг жорий йил 4 сентябрдаги «Валюта бозорини либераллаштириш шароитида иқтисодиётнинг базавий тармоқларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг биринчи галдаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги 3253-сонли Қарори ижроси доирасида «Ўзбекэнерго» акциядорлик жамияти томонидан Осиё тараққиёт банки (ОТБ) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Анжуманда Давлатимиз раҳбарининг ушбу Қарори талаблари доирасида энергетика тизимининг барқарор фаолият кўрсатиши учун энерготизимни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида қатор чора-тадбирлар белгиланганлиги таъкидланди. Хусусан, ишлаб чиқаришни изчил технологик модернизациялаш ва самарадорлигини ошириш йўли билан уларнинг молиявий аҳволини барқарорлаштириш, молиявий интизомни мустаҳкамлаш, ноишлаб чиқариш сарф-харажатларини қисқартириш, ходимлар таркиби ва сонини оптималлаштириш, халқаро стандартларга мувофиқ илғор ёндашувлар ва корпоратив бошқарув тизимларини такомиллаштириш каби вазифалар шулар жумласидандир.

*– Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида жамиятнинг кредит салоҳиятини мустаҳкамлаш, бизнес профилни яхшилаш, корпоратив ва операцион маҳсулдорликни ошириш, электр қиймати асосидаги самарали тарифларни жорий этиш чора-тадбирлари белгиланди, – дейди **«Ўзбекэнерго» АЖ бошқаруви раиси ўринбосари Жаҳонгир Обиджонов.** – Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ОТБ томонидан асосий воситаларни қайта баҳолаш, «Ўзбекэнерго» АЖ ва унинг шўъба корхоналари корпоратив диагностикасини амалга ошириш, халқаро аудиторлик компаниялари томонидан ташқи аудит ўтказиш учун 1,6 млн. АҚШ долларига тенг грантлар ажратилмоқда.*

Бундан ташқари, ОТБ томонидан электр қиймати асосидаги самарали тарифларни баҳолаш усулини ишлаб чиқиш учун грант асосида хорижий компанияни белгилаш режалаштирилган.

Анжуманда Осиё тараққиёт банки вакиллари мамлакатимизда энергетика тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни юқори баҳолади, энергия самарадорлигини оширишда ҳамкорлик қилаётганликларидан мамнунликларини, айни пайтда ҳам «Ўзбекэнерго» АЖга техник кўмак кўрсатишга тайёрликларини билдирди.

Хорижлик мутахассисларнинг тақдимоти орқали иштирокчилар дунё давлатлари, хусусан, Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари энергетика бозорида иш олиб бориш тажрибаси билан яқиндан танишдилар.

Томонлар бундан буён ҳам мана шундай амалий учрашувлар ўтказиш ҳамда биргаликда қатор истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишиб олдилар.

***Гулшан ЮСУПОВА.***

# Мижозлар ишончи оқланмоқда

**«Ўзагросуғурта» АЖ томонидан кутилмаган ҳодисалар натижасида фуқароларнинг соғлиғи, ҳаёти ва мол-мулкига етказилган зарарларнинг суғурта шартномалари асосида тезда қоплаб берилиши жисмоний ва юридик шахсларнинг унга нисбатан ишончини сезиларли даражада оширди.**

Бу ҳақда «Ўзагросуғурта» АЖ бошқаруви Суғурта даъволари департаменти бош менежери Ҳошим Тилавов шундай дейди:

*– Жорий йилнинг 9 ойи давомида республика суғурта бозорида 197,7 млрд. сўм суғурта товонлари тўланган бўлса, шундан 79,3 млрд. сўми жамиятимиз томонидан амалга оширилди. Бу суғурта бозорининг 40,1 фоизини ташкил этади. Жамиятимиз бозорда энг юқори ўриндаги суғурта тўловчилардан бири эканлигини шундан билса бўлади. Ўн бир ой давомида жисмоний ва юридик шахслар улар билан тузилган шартномалар асосида суғурта ҳодисалари натижасида кўрган зарар учун жами 18 481 нафар суғурталанувчига қарийб 87 млрд. сўм зарар қоплаб берилди. Бу улар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 349,8 фоизга ортганидан далолат беради. Мижозларнинг суғурта компанияларига бўлган муносабати ўзгарганини ҳам қайд этиш керак. Илгари бундай тўловларга ишонч билдирмаган бўлсалар, эндиликда ўзлари ихтиёрий суғурта қилдирмоқдалар.*

Маълумки, «Ўзагросуғурта» АЖнинг энг кўп мижозлари қишлоқ хўжалиги соҳасидаги юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади. Шу боис жорий йил табиий офатлардан талафот кўрган фермер хўжаликлари ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги суғурталанувчиларга 67,2 млрд. сўм суғурта қопламалари тўлаб берилди. Бу ҳар йилгидан анча ортиқ кўрсаткич.

Шунингдек, ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича жорий йилнинг шу давригача йўловчилар ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун жабрланган фуқароларга 130 млн. сўмлик, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича йўл-транспорт ҳодисалари натижасида 1847 та жабрланувчига 3002,1 млн. сўмлик товон тўлаб берилди. Жамият тизимида ушбу суғурта тури бўйича жабрланган шахсларга суғурта товонларини тез муддатларда тўлаб бериш мақсадида суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари бўлган аджастерлар билан биргаликда ишлар олиб борилаётгани янада самара бермоқда. Қолаверса, иш берувчиларнинг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тури бўйича ходимнинг меҳнат вазифасини бажаришда бахтсиз ҳодисалар натижасида тан жароҳати олиши ёки вафот этиши юзасидан 301 та ҳолатда 6166,7 млн. сўм суғурта товони тўлаб берилди.

*Бобур МУҲАММАДИЕВ.*

# Ходимларни оқилона бошқариш бўйича семинар-тренинг

**Пойтахтимизда Ўзбекистон лизинг берувчилар уюшмаси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда «Ходимларни танлаш, ўз ўрнига жойлаш ва малакасини оширишнинг замонавий услублари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.**



Тадбир молия муассасалари ва компаниялар HR-бўлими, менежер ва директорлари учун ходимларни танлаш, ўз ўрнига жойлаш борасидаги фаолиятларини янада такомиллаштириш мақсадида ташкил этилиб, унда малакали кадрларни танлаш, уларни рағбатлантириш тизимини яратиш, ходимлар малакасини ошириш ҳамда касбий жиҳатдан янада ривожланишига эришиш йўлидаги кўникмалар билан ўртоқлашилди.

Семинар-тренингда инсон ресурсларини бошқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқаришда ходимлар сонини режалаштириш, ходимларни танлаш, саралаш ва ишга олиш жараёни, ходимларни касбий ривожлантириш, мутахассис ва лавозим эгаларининг малакавий тавсифи, замонавий иқтисодий шароитларга мос келадиган мутахассисларга эга бўлиш билан боғлиқ мавзулар батафсил ўрганилди.

Тадбир иштирокчиларини қизиқтирган масалалар юзасидан батафсил жавоблар берилди.

*Мафтуна СУЛТОНОВА.*

Реклама



# 2017 йил давомида «Банк ахборотномаси» газетасида чоп этилган меъёрий ҳужжатлар рўйхати

| ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР | |
|---|---|
| Ҳужжат номи | Газета сони ва санаси |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»<br>№ 2155-2, 2016 йил 21 декабрь<br>ЎзР МБ № 38/1, 2016 йил 26 ноябрь | № 1<br>05.01.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Валюта биржаси фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»<br>№ 2788-1, 2016 йил 21 декабрь<br>ЎзР МБ № 39/1, 2016 йил 10 декабрь | № 2<br>05.01.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»<br>№ 1863-4, 2017 йил 5 январь<br>ЎзР МБ № 41/1, 2016 йил 28 декабрь | № 3<br>19.01.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»<br>№ 1948-12, 2017 йил 24 март<br>ЎзР МБ № 4/5, 2017 йил 4 март | № 14<br>06.04.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Тижорат банклари томонидан тўқимачилик корхоналарига пахта толасини сотиб олиш ҳамда улгуржи савдо корхоналарига айланма маблағларини тўлдиришга револьвер кредитлари бериш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»<br>№ 1704-1, 2017 йил 3 апрель<br>ЎзР МБ № 4/1, 2017 йил 4 март | № 17<br>27.04.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан миллий валютадаги банк карталаридан фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»<br>№ 1850-2, 2017 йил 19 апрель<br>ЎзР МБ № 6/5, 2017 йил 18 март | № 18<br>04.05.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»<br>№ 2344-2, 2017 йил 21 апрель<br>ЎзР МБ № 7/4, 2017 йил 8 апрель | № 19<br>12.05.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «GlobUzCard» банклараро универсал чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»<br>№ 2884, 2017 йил 15 май<br>ЎзР МБ № 7-А/4, 2017 йил 8 апрель | № 21<br>26.05.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Тижорат банклари томонидан янги рўйхатга олинган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»<br>№ 2883, 2017 йил 12 май<br>ЎзР МБ № 7/3, 2017 йил 8 апрель | № 25<br>22.06.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг қарори «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»<br>№ 2886, 2017 йил 23 май<br>ЎзР МБ № 343-В, 2017 йил 17 апрель<br>ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚКД № 14, 2017 йил 17 апрель | № 25<br>22.06.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг қарори «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»<br>№ 2886, 2017 йил 23 май<br>ЎзР МБ № 343-В, 2017 йил 17 апрель<br>ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚКД № 14, 2017 йил 17 апрель | № 26<br>29.06.2017 й. |

| ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР | |
|---|---|
| Ҳужжат номи | Газета сони ва санаси |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»<br>№ 1831-4, 2017 йил 14 июнь<br>ЎзР МБ № 9/1, 2017 йил 6 май | № 28<br>13.07.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг қарори «Аукцион ва танлов савдоларида сотилган иқтисодий ночор корхоналар бўйича тижорат банклари томонидан инвестиция мажбуриятларини бажарилиши юзасидан мониторинг юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»<br>№ 2181-2, 2017 йил 30 май<br>ЎзР Рақобатни ривожлантириш қўмитаси № 01/22-26/08, 2017 йил 20 май<br>ЎзР МБ № 10/1, 2017 йил 20 май<br>ЎзР Иқтисодиёт вазирлиги № 132, 2017 йил 20 май | № 28<br>13.07.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»<br>№ 2709-1, 2017 йил 20 июнь<br>ЎзР МБ № 12/1, 2017 йил 10 июнь | № 28<br>13.07.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига таъминотсиз кредитларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»<br>№ 2891, 2017 йил 20 июнь<br>ЎзР МБ № 13/1, 2017 йил 17 июнь | № 28<br>13.07.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Ўзбекистон Республикаси банк депозиторларининг Миллий ахборотлар базаси ва унда мижозларга хос рақам бериш ҳамда банк ҳисобварақлари рўйхатини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»<br>№ 1863-5, 2017 йил 4 июль<br>ЎзР МБ № 14/5, 2017 йил 24 июнь | № 30<br>27.07.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қарори «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»<br>№ 2342-6, 2017 йил 5 июль<br>ЎзР МБ № 321-В-6, 2017 йил 27 июнь<br>ЎзР Молия вазирлиги № 91, 2017 йил 27 июнь<br>ЎзР ДСҚ № 2017-32, 2017 йил 27 июнь | № 30<br>27.07.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»<br>№ 2693-1, 2017 йил 7 июль<br>ЎзР МБ № 14/17, 2017 йил 24 июнь | № 31<br>03.08.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Ўзкарт» банклараро чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»<br>№ 2369-2, 2017 йил 11 июль<br>ЎзР МБ № 14/8, 2017 йил 24 июнь | № 31<br>03.08.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»<br>№ 2465-4, 2017 йил 17 июль<br>ЎзР МБ № 14/7, 2017 йил 24 июнь | № 31<br>03.08.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Жисмоний шахсларга банк пластик карточкаси орқали овердрафт кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»<br>№ 2900, 2017 йил 21 июль<br>ЎзР МБ № 12/4, 2017 йил 10 июнь | № 31<br>03.08.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Банкка алоқадор бўлган шахслар билан тузиладиган битимлар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»<br>№ 2706-1, 2017 йил 24 июль<br>ЎзР МБ № 14/16, 2017 йил 24 июнь | № 33<br>17.08.2017 й. |

# МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР КАРТОТЕКАСИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР

| Ҳужжат номи | Газета сони ва санаси |
|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга ва уларнинг бошқа корхоналар устав капиталида қатнашишига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»<br>№ 1894-2, 2017 йил 24 июль<br>ЎзР МБ № 14/18, 2017 йил 24 июнь | № 33<br>17.08.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»<br>№ 1831-5, 2017 йил 9 август<br>ЎзР МБ № 17/1, 2017 йил 18 июль | № 34<br>24.08.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Тижорат банкларига жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини сотиб олиши учун Марказий банк томонидан мадад пуллари бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»<br>№ 2912, 2017 йил 16 август<br>ЎзР МБ № 19/2, 2017 йил 12 август | № 36<br>07.09.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»<br>№ 2014-12, 2017 йил 15 сентябрь<br>ЎзР МБ № 23/2, 2017 йил 9 сентябрь | № 39<br>28.09.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг қарори «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»<br>№ 2925, 2017 йил 4 сентябрь<br>ЎзР МБ № 344-В, 2017 йил 9 август<br>ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚКД № 26, 2017 йил 9 август | № 41<br>12.10.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг қарори «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»<br>№ 2027-4, 2017 йил 4 сентябрь<br>ЎзР МБ № 313-В-4, 2017 йил 9 август<br>ЎзР Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚКД № 25, 2017 йил 9 август | № 42<br>19.10.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»<br>№ 1788-4, 2017 йил 27 сентябрь<br>ЎзР МБ № 2017-19, 2017 йил 11 сентябрь | № 43<br>26.10.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг қарори «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»<br>№ 2342-7, 2017 йил 29 сентябрь<br>ЎзР МБ № 321-В-7, 2017 йил 23 сентябрь<br>ЎзР Молия вазирлиги № 138, 2017 йил 23 сентябрь<br>ЎзР Давлат солиқ қўмитаси № 2017-51, 2017 йил 23 сентябрь | № 43<br>26.10.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»<br>№ 2933, 2017 йил 29 сентябрь<br>ЎзР МБ № 21/8, 2017 йил 26 август | № 43<br>26.10.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»<br>№ 2933, 2017 йил 29 сентябрь<br>ЎзР МБ № 21/8, 2017 йил 26 август | № 44<br>31.10.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»<br>№ 2933, 2017 йил 29 сентябрь<br>ЎзР МБ № 21/8, 2017 йил 26 август | № 45<br>09.11. 2017 й. |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН ҲУЖЖАТЛАР

| Ҳужжат номи | Газета сони ва санаси |
|---|---|
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»<br>№ 2933, 2017 йил 29 сентябрь<br>ЎзР МБ № 21/8, 2017 йил 26 август | № 46<br>16.11.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»<br>№ 2093-8, 2017 йил 10 октябрь<br>ЎзР МБ № 26/11, 2017 йил 23 сентябрь | № 46<br>16.11.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»<br>№ 2696-1, 2017 йил 10 октябрь<br>ЎзР МБ № 26/6, 2017 йил 23 сентябрь | № 46<br>16.11.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»<br>№ 1948-13, 2017 йил 10 октябрь<br>ЎзР МБ № 26/13, 2017 йил 23 сентябрь | № 46<br>16.11.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»<br>№ 2693-2, 2017 йил 23 октябрь<br>ЎзР МБ № 26/7, 2017 йил 23 сентябрь | № 46<br>16.11.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Ўзбекистон Республикаси банкларида касса амалларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»<br>№ 1602-2, 2017 йил 23 октябрь<br>ЎзР МБ № 26/2, 2017 йил 23 сентябрь | № 46<br>16.11.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»<br>№ 1831-6, 2017 йил 7 ноябрь<br>ЎзР МБ № 28/4, 2017 йил 21 октябрь | № 46<br>16.11.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Ваколатли банкларда жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»<br>№ 2437-2, 2017 йил 6 ноябрь<br>ЎзР МБ № 26/17, 2017 йил 23 сентябрь | № 48<br>30.11.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Ваколатли банкларнинг конверсион операциялар бўлими ҳамда айирбошлаш шохобчаси ходимларига қўйиладиган малакавий талаблар, уларни ишга қабул қилиш ва ротацияси регламентини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек, унга ўзгартириш ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»<br>№ 2415-2, 2017 йил 6 ноябрь<br>ЎзР МБ № 26/18, 2017 йил 23 сентябрь | № 48<br>30.11.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»<br>№ 2944, 2017 йил 6 ноябрь<br>ЎзР МБ № 26/16, 2017 йил 23 сентябрь | № 48<br>30.11.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Банкларнинг оддий векселлари ва депозит сертификатлари бланкаларини йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»<br>№ 1477-2, 2017 йил 16 ноябрь<br>ЎзР МБ № 29/3, 2017 йил 28 октябрь | № 48<br>30.11.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисобкитоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»<br>№ 2465-5, 2017 йил 22 ноябрь<br>ЎзР МБ № 31/1, 2017 йил 11 ноябрь | № 50<br>14.12.2017 й. |
| Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори «Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»<br>№ 2536-1, 2017 йил 23 ноябрь<br>ЎзР МБ № 31/2, 2017 йил 11 ноябрь | № 50<br>14.12.2017 й. |

## Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси 2017 йил 18 декабрдан 22 декабргача бўлган биржа (ички бозор) нархлари котировкаси

| Маҳсулотларнинг номи | Жорий котировка* (сўмда тоннаси учун) | Нархлардаги ўзгаришлар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | динамика | (сўмда) | (%) |
| Автобензин АИ-80 | 4 729 146 | ▼ | -259 244 | -5,2% |
| Автобензин АИ-91 | 6 112 872 | ▼ | -1 749 090 | -22,2% |
| Азотли-олтингугурт ўғит (қопда) | 706 620 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Азот-фосфор ўғит (қопда) | 847 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Аммофос 46:10 (қадоқланмаган) | 1 757 712 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Арматура 25 ст 35 ГС | 7 356 626 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Қурилиш битуми БН 90/10 | 3 781 360 | ▼ | -163 764 | -4,2% |
| Дизель ёқилғиси | 6 677 133 | ▼ | -262 140 | -3,8% |
| Қурилишга оид оҳак (қадоқланмаган) | 2 771 313 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Карбамид (қопда) | 627 500 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Квадрат 20 ст 3 СП | 4 139 638 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Техник керосин | 6 096 667 | ▲ | 280 668 | 4,8% |
| Озиқ-овқат сирка кислотаси 70% | 3 230 800 | ▼ | -200 | -0,01% |
| Нефть кокси | 1 053 050 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Қумоқланмаган омухта ем | 2 710 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Ем аралашмаси | 601 215 | ▼ | -108 707 | -15,3% |
| Доира 100 ст 3 СП | 2 589 995 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Линт 1-нав тип Б (класс олий) | 3 133 899 | ▼ | -996 243 | -24,1% |
| Линт 2-нав тип Б (класс олий) | 3 738 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Зангламайдиган лист 0,5х1,25 мм (метр) | 50 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л | 4 991 741 | ▼ | -36 252 | -0,7% |
| Саноат мойи И-50А (литр) | 7 500 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Синтетик мотор мойи Shell Helix 5w40 (дона) | 240 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Писта ёғи ПЭТ 4,75 (литр) | 10 500 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Гидроизоляцион битум-полимер мастика | 3 501 350 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Рулонли гидроизоляцион том ёпиш материали (дона) | 140 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Мис ўрамаси | 57 584 187 | ▼ | -1 751 010 | -3,0% |
| Буғдой уни 1-нав | 944 139 | ▼ | -1 678 | -0,2% |
| Буғдой уни олий нав | 1 357 249 | ▲ | 11 018 | 0,8% |
| Хўжалик совуни 70% (дона) | 1 798 | ▼ | -578 | -24,3% |
| Натрий бикарбонат – ош содаси 1-нав (қопда) | 2 885 714 | ▼ | -14 286 | -0,5% |
| Полипропилен J320 | 12 662 507 | ▲ | 703 310 | 5,9% |
| Полиэтилен F-0120 | 16 567 309 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Портландцемент ССПЦ М-400 (қопда) | 422 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Сим 6,3 ст 3 | 10 224 119 | ▲ | 702 320 | 7,4% |
| Ем учун дон 3-класс | 882 264 | ▲ | 1 164 | 0,1% |
| Ем учун дон 4-класс | 800 334 | ▼ | -6 684 | -0,8% |
| Ем учун дон 5-класс | 741 762 | ▼ | -22 729 | -3,0% |
| Шакар | 4 319 910 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Суюлтирилган газ | 2 911 847 | ▲ | 358 713 | 14,0% |
| Мойли солидол смазка | 11 600 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Кальцийлаштирилган сода (қопда) | 1 014 014 | ▲ | 431 | 0,04% |
| Техник туз | 190 000 | ▼ | -25 000 | -11,6% |
| Алюминий қотишмалари АК7 | 14 337 879 | ▼ | -2 406 565 | -14,4% |
| Пўлат тунука г.к 6х1500х6000 | 7 378 571 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Пўлат сим ВР-1 д 5мм | 6 900 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Сайқалланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм | 31 954 | ▼ | -743 | -2,3% |
| Шишали банка 3 л (дона) | 1 833 | ▲ | 91 | 5,2% |
| Сульфат аммоний (қадоқланмаган) | 441 972 | ▲ | 13 725 | 3,2% |
| Калий сульфати (қадоқланмаган) | 5 673 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Суперфосфат (қадоқланмаган) | 533 940 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Труба 20х2,8 (метр) | 14 277 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Пўлат квадрат труба 100х100–4,0 мм (метр) | 101 824 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Бурчак 30 ст 3 СП | 5 375 799 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Кўмир СССШ-13 | 225 818 | ▼ | -20 626 | -8,4% |
| Швеллер 16 | 8 400 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Пахта чигити шелухаси | 492 546 | ▼ | -1 901 | -0,4% |
| Шифер 8 тўлқинли | 34 476 | ▼ | -748 | -2,1% |
| Шрот (махсар) | 1 200 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Шрот (соя) | 5 800 000 | ўзгармаган | 0 | 0% |
| Пахта чигити шроти (кунжараси) | 997 641 | ▲ | 451 | 0,05% |
| Арпа | 851 849 | ▲ | 83 478 | 10,9% |

** Маҳсулотлар котировкаси охирги ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охирги савдолар натижалари асосида шакллантирилади.*

*Биржа листингини ўтказиш тартибига кўра, сўнгги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка варағидан чиқарилади.*

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2017 йил 26 декабрдан бошлаб ўрнатилган хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан расмий курси

| Валюта номи | Курс | Курсдаги ўзгаришлар | | |
|---|---|---|---|---|
| | | динамика | (сўмда) | (%) |
| 1 АҚШ доллари | 8 120,07 | ▲ | 18,45 | 0,23% |
| 1 Евро | 9 624,72 | ▲ | 96,40 | 1,01% |
| 1 Россия рубли | 139,30 | ▲ | 1,37 | 0,99% |
| 1 Хитой юани | 1 237,63 | ▲ | 12,15 | 0,99% |
| 1 Чехия кронаси | 374,37 | ▲ | 2,97 | 0,80% |
| 1 Венгрия форинти | 30,93 | ▲ | 0,57 | 1,88% |
| 1 Ҳиндистон рупийси | 126,86 | ▲ | 0,49 | 0,39% |
| 1 Эрон риали | 0,23 | – | 0 | 0% |
| 1 Исроил шекели | 2 331,95 | ▲ | 27,01 | 1,17% |
| 1 Япония иенаси | 71,68 | ▼ | -0,24 | -0,33% |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 24,37 | ▲ | 0,23 | 0,95% |
| 1 Жанубий Корея вони | 7,54 | ▲ | 0,09 | 1,21% |
| 1 Қувайт динори | 26 918,85 | ▲ | 77,18 | 0,29% |
| 1 Қирғизистон соми | 117,09 | ▲ | 0,67 | 0,58% |
| 1 Малайзия ринггити | 1 991,68 | ▲ | 8,66 | 0,44% |
| 1 Канада доллари | 6 382,20 | ▲ | 78,42 | 1,24% |
| 1 Сингапур доллари | 6 044,42 | ▲ | 37,88 | 0,63% |
| 1 Швейцария франки | 8 207,89 | ▲ | 25,26 | 0,31% |
| 1 БАА дирҳами | 2 211,29 | ▲ | 5,39 | 0,24% |
| 1 Миср фунти | 454,91 | ▼ | -0,75 | -0,16% |
| 1 Англия фунт стерлинги | 10 850,04 | ▲ | 46,53 | 0,43% |
| 1 Австралия доллари | 6 263,82 | ▲ | 58,79 | 0,95% |
| 1 Туркманистон манати | 2 326,67 | ▲ | 5,29 | 0,23% |
| 1 янги турк лираси | 2 131,31 | ▲ | 31,68 | 1,51% |
| 1 СДР | 11 497,21 | ▲ | 35,85 | 0,31% |
| 1 Афғонистон афғониси | 117,02 | ▼ | -0,06 | -0,05% |
| 1 Тожикистон сомониси | 922,74 | ▲ | 2,10 | 0,23% |
| 1 Беларусь рубли | 4 097,94 | ▲ | 95,16 | 2,38% |
| 1 Болгария леви | 4 923,04 | ▲ | 50,18 | 1,03% |
| 1 Бангладеш такаси | 98,20 | ▲ | 0,11 | 0,11% |
| 1 Украина гривнаси | 290,63 | ▼ | -2,31 | -0,79% |
| 1 Грузия лариси | 3 229,94 | ▲ | 15,01 | 0,47% |

## ЎзРВБ савдоларида АҚШ долларининг сўмга нисбатан ўрнатилган курси динамикаси

| Сана | USD/UZS | | |
|---|---|---|---|
| | курс | ўзгариш | ўзгариш (%) |
| 2017 йил 24 ноябрь | 8099,00 | 2,0 | 0,02% |
| 2017 йил 27 ноябрь | 8096,00 | -3,0 | -0,04% |
| 2017 йил 28 ноябрь | 8095,00 | -1,0 | -0,01% |
| 2017 йил 29 ноябрь | 8098,00 | 3,0 | 0,04% |
| 2017 йил 30 ноябрь | 8097,00 | -1,0 | -0,01% |
| 2017 йил 1 декабрь | 8095,00 | -2,0 | -0,02% |
| 2017 йил 4 декабрь | 8098,00 | 3,0 | 0,04% |
| 2017 йил 5 декабрь | 8092,00 | -6,0 | -0,07% |
| 2017 йил 6 декабрь | 8093,00 | 1,0 | 0,01% |
| 2017 йил 7 декабрь | 8091,00 | -2,0 | -0,02% |
| 2017 йил 11 декабрь | 8090,00 | -1,0 | -0,01% |
| 2017 йил 12 декабрь | 8098,00 | 8,0 | 0,10% |
| 2017 йил 13 декабрь | 8100,00 | 2,0 | 0,02% |
| 2017 йил 14 декабрь | 8103,00 | 3,0 | 0,04% |
| 2017 йил 15 декабрь | 8109,00 | 6,0 | 0,07% |
| 2017 йил 18 декабрь | 8107,00 | -2,0 | -0,02% |
| 2017 йил 19 декабрь | 8114,00 | 7,0 | 0,09% |
| 2017 йил 20 декабрь | 8125,00 | 11,0 | 0,14% |
| 2017 йил 21 декабрь | 8128,00 | 3,0 | 0,04% |
| 2017 йил 22 декабрь | 8125,00 | -3,0 | -0,04% |
| 2017 йил 25 декабрь | 8132,00 | 7,0 | 0,09% |

*Ахборот ва статистика бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси (www.uzex.uz), ЎзР Марказий банки (www.cbu.uz) ва ЎзР Валюта биржаси (www.uzrvb.uz) маълумотлари асосида тайёрланди.*

## «Тошкент» РФБ нархлари индекси

| Сана | Нарх | Ўзгариш | ҚҚ сони (бирликда) | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| **UCI** | | | | |
| 25.12.2017 | 1 002,26 | ▲ 3,26 | 0 | 0 |
| 15.12.2017 | 999,00 | ▲ 13,72 | 6 264 037 | 64 941 205 |
| 14.12.2017 | 985,28 | 0 | 310 157 | 401 215 248 |
| 13.12.2017 | 985,28 | 0 | 1 980 | 1 490 000 |
| 12.12.2017 | 985,28 | ▼ -2,97 | 10 974 419 | 302 635 255 |
| 11.12.2017 | 988,25 | 0 | 516 247 | 507 145 505 |
| 07.12.2017 | 988.25 | ▲ 2,36 | 1 532 917 | 9 214 154 079 |
| 06.12.2017 | 985.89 | ▼ -1,10 | 15 786 083 | 427 881 222 |
| 05.12.2017 | 986.99 | ▼ -1,69 | 210 280 | 269 015 151 |
| 04.12.2017 | 988.68 | 0 | 366 | 484 683 |
| **Молия сектори** | | | | |
| 25.12.2017 | 1010,36 | ▲ 26 | 0 | 0 |
| 15.12.2017 | 984,36 | ▲ 20,26 | 6 260 281 | 59 715 205 |
| 14.12.2017 | 964,10 | 0 | 310 027 | 397 965 248 |
| 13.12.2017 | 964,10 | 0 | 1 000 | 1 000 000 |
| 12.12.2017 | 964,10 | 0 | 10 644 950 | 279 773 357 |
| 11.12.2017 | 964,10 | 0 | 515 747 | 506 645 505 |
| 07.12.2017 | 964.10 | 0 | 6 041 | 984 295 |
| 06.12.2017 | 964.10 | ▼ -0,08 | 15 785 880 | 426 729 197 |
| 05.12.2017 | 964.18 | 0 | 210 006 | 268 645 251 |
| 04.12.2017 | 964.18 | 0 | 366 | 484 683 |
| **Саноат** | | | | |
| 25.12.2017 | 1 029,48 | 0 | 0 | 0 |
| 15.12.2017 | 1 029,48 | 0 | 0 | 0 |
| 14.12.2017 | 1 029,48 | 0 | 130 | 3 250 000 |
| 13.12.2017 | 1 029,48 | 0 | 980 | 490 000 |
| 12.12.2017 | 1 029,48 | ▼ -16,96 | 327 246 | 631 898 |
| 11.12.2017 | 1 046,44 | 0 | 500 | 500 000 |
| 07.12.2017 | 1 046.44 | 0 | 0 | 0 |
| 06.12.2017 | 1 046.44 | ▼ -5,98 | 203 | 1 152 025 |
| 05.12.2017 | 1 052.42 | 0 | 0 | 0 |
| 04.12.2017 | 1 052.42 | 0 | 0 | 0 |
| **Қурилиш сектори** | | | | |
| 25.12.2017 | 809,90 | 0 | 0 | 0 |
| 15.12.2017 | 809,90 | 0 | 0 | 0 |
| 14.12.2017 | 809,90 | 0 | 0 | 0 |
| 13.12.2017 | 809,90 | 0 | 0 | 0 |
| 12.12.2017 | 809,90 | 0 | 0 | 0 |
| 11.12.2017 | 809,90 | 0 | 0 | 0 |
| 07.12.2017 | 809.90 | 0 | 0 | 0 |
| 06.12.2017 | 809.90 | 0 | 0 | 0 |
| 05.12.2017 | 809.90 | ▼ -25,58 | 274 | 369 900 |
| 04.12.2017 | 835.48 | 0 | 0 | 0 |
| **Агросаноат мажмуаси** | | | | |
| 25.12.2017 | 1 476,55 | ▼ -2,74 | 0 | 0 |
| 15.12.2017 | 1 479,29 | 0 | 1 380 | 1 186 800 |
| 14.12.2017 | 1 479,29 | 0 | 0 | 0 |
| 13.12.2017 | 1 479,29 | 0 | 0 | 0 |
| 12.12.2017 | 1 479,29 | 0 | 0 | 0 |
| 11.12.2017 | 1 479,29 | 0 | 0 | 0 |
| 07.12.2017 | 1 479.29 | ▲ 116,26 | 1 526 876 | 9 213 169 784 |
| 06.12.2017 | 1 363.03 | 0 | 0 | 0 |
| 05.12.2017 | 1 363.03 | 0 | 0 | 0 |
| 04.12.2017 | 1 363.03 | 0 | 0 | 0 |
| **Ижтимоий соҳа** | | | | |
| 25.12.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 15.12.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 14.12.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 13.12.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 12.12.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 11.12.2017 | 1 062,10 | 0 | 0 | 0 |
| 07.12.2017 | 1 062.10 | 0 | 0 | 0 |
| 06.12.2017 | 1 062.10 | 0 | 0 | 0 |
| 05.12.2017 | 1 062.10 | 0 | 0 | 0 |
| 04.12.2017 | 1 062.10 | 0 | 0 | 0 |
| **Бошқа соҳалар** | | | | |
| 25.12.2017 | 1 445,49 | 0 | 0 | 0 |
| 15.12.2017 | 1 445,49 | 0 | 0 | 0 |
| 14.12.2017 | 1 445,49 | 0 | 0 | 0 |
| 13.12.2017 | 1 445,49 | 0 | 0 | 0 |
| 12.12.2017 | 1 445,49 | 0 | 2 223 | 22 230 000 |
| 11.12.2017 | 1 445,49 | 0 | 0 | 0 |
| 07.12.2017 | 1 445.49 | 0 | 0 | 0 |
| 06.12.2017 | 1 445.49 | 0 | 0 | 0 |
| 05.12.2017 | 1 445.49 | 0 | 0 | 0 |
| 04.12.2017 | 1 445.49 | 0 | 0 | 0 |

## «Тошкент» РФБ савдолари якуни

| Сана | Эмитент | Майдон | Савдо нархи | ҚҚ сони | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|---|---|---|
| 25.12.2017 | «Qizilqumsement» АЖ | G1 | 1 350 | 2 | 2 700 |
| 25.12.2017 | «Farg'ona yog'-moy» АЖ | G1 | 4 800 | 7 | 33 600 |
| 25.12.2017 | «Turonbank» АТБ | G1 | 1 900 | 5 718 | 10 864 200 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 600 | 11 | 314 600 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 600 | 32 | 915 200 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 600 | 22 | 629 200 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 600 | 11 | 314 600 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 700 | 338 | 9 700 600 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 9 600 | 48 000 000 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 9 200 | 46 000 000 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 9 800 | 49 000 000 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 10 000 | 50 000 000 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 10 000 | 50 000 000 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 11 200 | 56 000 000 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 10 000 | 50 000 000 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 10 000 | 50 000 000 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 10 400 | 52 000 000 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 10 800 | 54 000 000 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 700 | 131 | 3 759 700 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 9 800 | 49 000 000 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 10 400 | 52 000 000 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 700 | 98 | 2 812 600 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 9 000 | 45 000 000 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 700 | 98 | 2 812 600 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 9 800 | 49 000 000 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 700 | 33 | 947 100 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 700 | 33 | 947 100 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 700 | 38 | 1 090 600 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 700 | 55 | 1 578 500 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 700 | 55 | 1 578 500 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 10 600 | 53 000 000 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 700 | 71 | 2 037 700 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 700 | 110 | 3 157 000 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 700 | 164 | 4 706 800 |
| 25.12.2017 | «Guliston Ekstrakt-Yog'» АЖ | G1 | 28 700 | 160 | 4 592 000 |
| 25.12.2017 | «Madad Invest Bank» ХАТБ | G1 | 5 000 | 9 600 | 48 000 000 |
| 25.12.2017 | «Ipoteka-bank» АТИБ | G1 | 1 | 3 932 | 3 932 |

**САВДОЛАР ҲАЖМИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ ТОП-10лиги,** 30 кун давомида

| | | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|
| № БИ - 00416 | «Alp omad invest» МЧЖ | 46 602 221 403 |
| № БИ - 00382 | «DALAL STANDARD» МЧЖ | 45 739 564 986 |
| № БИ - 00455 | «Universal Depozit» МЧЖ | 9 696 719 784 |
| № БИ - 00447 | «Mulk-Sarmoya Brokerlik uyi» АЖ | 9 280 036 549 |
| № БИ - 00443 | «Kapital-Depozit» МЧЖ | 5 319 038 000 |
| № БИ - 00459 | «Depoinvesttrast» МЧЖ | 2 800 428 176 |
| № БИ - 00472 | «NAYMON INVEST CONSULTING» МЧЖ | 1 001 493 793 |
| № БИ - 00454 | «Portfolio Investments» МЧЖ | 495 576 686 |
| № БИ - 00412 | «Orient securities» МЧЖ | 244 603 200 |
| № БИ - 00450 | «BBD» МЧЖ | 83 239 800 |

**БИТИМЛАР СОНИ БЎЙИЧА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ ТОП-10лиги,** 30 кун давомида

| | | Битимлар сони (бирликда) |
|---|---|---|
| № БИ - 00416 | «Alp omad invest» МЧЖ | 137 |
| № БИ - 00454 | «Portfolio Investments» МЧЖ | 69 |
| № БИ - 00459 | «Depoinvesttrast» МЧЖ | 61 |
| № БИ - 00447 | «Mulk-Sarmoya Brokerlik uyi» АЖ | 43 |
| № БИ - 00434 | ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | 22 |
| № БИ - 00382 | «DALAL STANDARD» МЧЖ | 18 |
| № БИ - 00453 | «FULL STOCK GROUP» МЧЖ | 17 |
| № БИ - 00443 | «Kapital-Depozit» МЧЖ | 15 |
| № БИ - 00444 | «Ishonch LTD» МЧЖ | 15 |
| № БИ - 00472 | «NAYMON INVEST CONSULTING» МЧЖ | 12 |

**БИТИМЛАР АЙЛАНМАСИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10лиги,** 30 кун давомида

| Эмитент | Номинал қиймати (сўмда) | Савдолар ҳажми (сўмда) |
|---|---|---|
| «Trastbank» ХАБ | 1 000 | 60 963 007 819 |
| «Toshkent yog'-moy kombinati» АЖ | 1 750 | 9 213 169 784 |
| «Туркистон» ХАТБ | 1 000 | 1 746 983 000 |
| «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ | 19 | 298 142 204 |
| «Капиталбанк» АТБ | 950 | 241 775 000 |
| «Alskom» СК АЖ | 1 380 | 124 281 900 |
| «Ипак йўли» АИТБ | 10 | 83 000 000 |
| ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | 155,00 | 41 897 275 |
| «Ипотека-банк» АТИБ | 1 | 36 279 091 |
| «UZKABEL» АЖ ҚК | 1 500,00 | 13 810 000 |

**БИТИМЛАР СОНИ БЎЙИЧА ЛИСТИНГ КОМПАНИЯЛАРИ ТОП-10лиги,** 30 кун давомида

| Эмитент | Номинал қиймати (сўмда) | Битимлар сони (бирликда) |
|---|---|---|
| «Trastbank» ХАБ | 1 000 | 94 |
| «UZKABEL» АЖ ҚК | 1 500 | 14 |
| ЧЭКИ «Hamkorbank» АТБ | 155 | 10 |
| «Олмалиқ КМК» АЖ | 3 914 | 9 |
| «O'zbekgeofizika» АЖ | 286 | 7 |
| «Туркистон» ХАТБ | 1 000 | 7 |
| «Qo'qonspirt» АЖ | 1 | 5 |
| «Marg'ilon Fayz savdo kompleksi» АЖ | 1 000 | 3 |
| «Qizilqumsement» АЖ | 1 570 | 3 |
| «Alskom» СК АЖ | 1 380 | 3 |

*Ахборот ва статистика бўлими томонидан «Тошкент» РФБ (www.uzse.uz) маълумотлари асосида тайёрланди.*

# Янги йил байрами маданий тадбирлари

**Тошкент шаҳрида Янги йил байрами маданий тадбирлари 2017 йилнинг 25 декабрида бошланиб, 2018 йилнинг 8 январигача давом этади.**

Байрам тадбирлари пойтахтимизнинг «Мустақиллик ва эзгулик майдони»да, Шайхонтоҳур ва Абдулла Қодирий кўчалари кесишмасида жойлашган «Наврўз» боғи ҳудудидаги майдонда, Шайхонтоҳур туманидаги «Анҳор-Локомотив» боғидаги майдон ва Хадра майдонида, Чилонзор туманидаги «Roison Electronics» корхонаси олдидаги майдонда, Яшнобод туманидаги «Дўстлик» боғидаги майдонда, Мирзо Улуғбек туманидаги «Локомотив» маданият ва истироҳат боғи ҳамда «Эко боғ» олдидаги майдонларда, Сергели туманидаги «Бахт Диёр» гузари олдидаги майдонда, Бектемир туманидаги «Қуёшча нури» маданият ва истироҳат боғларида бўлиб ўтади.

Хусусан, пойтахтимиздаги «Анҳор-Локомотив» боғида Янги йил байрамини юксак савияда ўтказиш учун қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилди.

***ЎзА.***












# ЯНГИ ЙИЛ ҲАҚИДА

**Янги йил жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида энг севимли байрам ҳисобланади. Уни болалар ҳам, катталар ҳам бирдек ёқтиради. Айни пайтда ҳар бир мамлакатда уни ўзига хос тарзда нишонлашади. Бугунги сонда ушбу байрам билан боғлиқ урф-одат ва қизиқарли маълумотларнинг айримлари ҳақида сўз юритамиз.**

❋ Янги йил байрами ҳақида илк тушунчалар эрамиздан аввалги III асрда Месопотамияда юзага келган.

❋ Байрам арафасида арчани безаш одати Ўрта аср даврида замонавий Германия ҳудудида юзага келган.

❋ 1 январь куни Янги йилни расман нишонлаш ҳақидаги буйруқ 1700 йилда Пётр I томонидан қабул қилинган.

❋ 1700 йилнинг Янги йил кечасида Пётр I томонидан илк марта ракета учирилган.

❋ Қорбобо тимсоли илк марта 1840 йилда адиб О.Одоевскийнинг «Иринея бобонинг эртаги» асарида тилга олинган. Унинг «илдизи» эса ривоятларга бориб тақалади.

❋ 18 ноябрь – Қорбобонинг расмий туғилган куни.

❋ Рус халқининг машҳур «В лесу родилась ёлочка» қўшиғи матни 1903 йилда Раиса Кудашёва томонидан ёзилган. «Арчажон» номли шеър илк марта «Малютка» («Болажон») нашрининг байрам сонида эълон қилинган. Икки йилдан сўнг эса бастакор Леонид Бекман ёрдами билан шеър қўшиққа айланди.

❋ Янги йил байрамида тибетликлар доимо турли хил ширинлик ва пишириқларни тайёрлаш ва уларни келиб-кетган инсонларга тарқатишга одатланган.

❋ Илк шиша арча ўйинчоқлари икки аср аввал Швецияда ишлаб чиқарилган.

❋ Дастлабки байрам табрикномаси Англияда 1843 йилда пайдо бўлган.

❋ Ёрқин электр безаклар биринчи бор 1895 йилда Оқ уй биносидан ўрин эгаллаган.

❋ Испания ва Кубада ҳар Янги йил байрамида ўн иккитадан узум ейишга одатланишган. Бу одатни амалга оширишга улгурган инсонни Янги йилда бахт, омад ва муваффақият тарк этмайди, деб ишонадилар.

❋ Мушакбозлик одати Осиёда пайдо бўлган.

❋ Ғарбда Санта Клаус номи билан аталувчи байрам қаҳрамонининг Дэшер, Дэнсер, Прэнсер, Виксен, Комет, Кюпид, Доннер, Блитцен лақабли кийиклари бор.

❋ Кипрда Қорбобони Василий деб аташади.

❋ Японияда Янги йил байрамидан аввал омоч сотиб олишга одатланишган. Уларнинг фикрича, омоч уларга кўпроқ бахтни «йиғиб олишга» ёрдам беради.

❋ Камбоджада Қорбобо ўрнига Жар Бобо исмли қаҳрамон ўйлаб топилган.

❋ Чехияда Қорбобо образини Микулаш ижро этади.

❋ Қарийб 35 йилдан бери 31 декабрь куни МДҲ давлатларида «Тақдир ҳазили ёки қушдек енгил бўлинг» бадиий фильми томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

❋ Компьютер техникаси замонавий Қорбобо энг кўп совға қиладиган воситадир.

❋ Бразилия пойтахти – Рио-де-Жанейрода баландлиги 77 метрга тенг, дунёнинг энг катта сунъий арчаси ўрнатилган.

❋ 31 декабрь куни аксарият италияликлар деярли барча эски буюмларни ўз уйлари деразалари орқали улоқтирадилар.

❋ Япониялик дўстларингизни байрам билан қутлаш учун «Akimashite Omedetto Gozaimasu» жумлаларини айтсангиз бўлди.

❋ Санта Клаус болажонлар учун аталган совғани Швецияда печка атрофига қўйиб кетса, Германияда уларнинг жойи дераза токчаси, Францияда болалар оёқ кийими, Ирландия ва Англияда пайпоқ, Мексикада оёқ кийимда ҳисобланади.

❋ Гренландия аҳли ўз яқинлари ва дўстларига муздан ясалган оқ айиқ ва морж фигураларини совға қилади.

❋ Вьетнамликлар Янги йил байрамида ўз уйлари яқинидаги кўлга бахт ва бойлик тимсоли ҳисобланмиш тирик зоғора балиғини қўйиб юборадилар.

❋ Францияда ғоз жигаридан тайёрланган паштет, пишлоқ ва анъанавий байрам дастурхонидан курка ўрин эгаллаши шарт.

❋ Майиз, шакар ва ун – Ўрта асрда Англияда байрам муносабати билан туҳфа қилинадиган маҳсулотлар ҳисобланган.

❋ Голландияда йил муваффақиятли якунланганини анъанавий усулда тайёрланган кулчалар ёрдамида ифодалашган.

❋ Гуручли бўтқа Скандинавиянинг бахт келтирувчи байрам таоми саналади.

❋ Икра, дуккакли ўсимликлар, қовурилган қорақайин ёнғоғи ва денгиз карами Япониядаги байрам дастурхонида бўлиши талаб этилади.

❋ Англиядаги Янги йил дастурхонига алоҳида дид билан тайёрланган ғоз кўрк бағишлайди.

❋ Махсус таёқчаларни совға қилиш Болгарияда яхши анъанага айланган.

❋ Руминияда Янги йил пишириғига кутилмаган совғача солиб қўйиш анъанаси мавжуд.

❋ Янги йил кириб келиши муносабати билан соат миллари бонг уриши заҳоти Англияда хонадонларнинг орқа эшиги очиб қўйилади. Бу эшикдан Эски йил чиқиб кетиши учун шароит яратилади. Соат милларининг сўнггиси бонг урганда эса олд томондаги эшик очилиб, Янги йил киришига йўл қўйилади.

❋ Австралияда Рождество байрамида Санта Клаус сувли мотоциклни бошқаради.

❋ XX асрда қордан Қорбобо ясаш одати юзага келган.

❋ Эвкалипт – Шимолий қутбнинг байрам дарахти.

❋ Грецияда Янги йил кечаси анорни ерга уриш орқали бахтни чақириш одати мавжуд.

❋ Кубада Янги йил байрами Шоҳлар куни деб аталади.

❋ Японияда байрам кечаси осмонга қоғоз илонларни учиришади.

❋ Энг кўп арчалар Данияда сотилади.

❋ Севимли оқ кийик Қорбобо қўрғонида яшайди.

❋ Англияда Янги йил кириб келганини қўнғироқ бонгидан билса бўлади.

❋ Болгарияда Янги йил кечаси роппа-роса ўн иккида уч дақиқага чироқ ўчириб қўйилади.

❋ Кореяда Янги йил байрами муносабати билан пул совға қилиш одати бор.

❋ Финляндияда шам универсал совға саналади.

***Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.***



# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**Келаси йилда кимга омад кулиб боқишию, ким учун муваффақиятли келиши доимо кўпчиликни қизиқтиради. 2018 йилнинг рамзий тимсоли – ит жуда ҳам самимий, очиқ ва ботир ҳайвон саналади. Бу сифатлар эса инсонлар тақдирига таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Умуман олганда, йил барча бурж эгаларига омадли ва яхши келиши кутилмоқда. Келинг, яхшиси уларга бирма-бир тўхталсак.**

### ҚЎЙ
**(21.03 - 20.04)**

Қўй буржи вакиллари 2018 йил молиявий барқарор келишига умид қилиши мумкин. Уларнинг аксарияти нафақат янги молиявий марраларни қўлга киритади, балки ўз жамғармаларини кўпайтириш имкониятига ҳам эга бўлади. Бу даражадаги омад уларнинг душманини эсанкиратиб қўйиши мумкин.

Шу боис даромадингизни сир сақлаганингиз маъқул. Айниқса, биржа савдолари билан шуғулланувчи Қўй буржи вакилларига йил молиявий жиҳатдан омадли келиши кутилмоқда.

### БУЗОҚ
**(21.04 - 21.05)**

2018 йил Бузоқ буржи вакиллари учун энг омадли, романтик ва молиявий жиҳатдан яхши йил бўлади. Сиз кўплаб ишларнинг уддасидан чиқасиз. Юлдузлар йил ўртасига келиб муваффақиятли битимларни тузишни, янги йилда яшаш жойини кенгайтириш, саёҳат қилиш, яхшироқ ишга жойлашиш юзасидан бир неча жозибадор таклифлар тушишини ваъда қилмоқда. Ишқ-муҳаббат бобида ҳам омад кулиб боқиши мумкин.

Ит йилида мазкур бурж вакилларига муҳим мақсадлар учун пулни тежамаслик ва пулнинг ўзидан эмас, у берадиган имкониятдан ҳузурланиш тавсия этилади.

### ЭГИЗАКЛАР
**(22.05 - 21.06)**

Эгизаклар буржи вакилларидан келаси йил молия соҳасида эҳтиёткор бўлиш талаб этилади. Пул билан боғлиқ ҳар қандай лойиҳага ҳақиқий мутахассис билан маслаҳатлашмасдан қўл урмаган маъқул. Гап шундаки, Эгизаклар буржидагилар бошқаларнинг алдовига учиб, шошилинч ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Энг ажабланарлиси, илгаридан уларнинг ишончини қозонган шахслардан кутиладиган хавф даражаси юқори бўлади. Шу боис молиявий муҳим қарор қабул қилишдан аввал ички овозингизга қулоқ солинг. Айни пайтда Ит йилида маошингизни ошириб беришади.

### ҚИСҚИЧБАҚА
**(22.06 - 22.07)**

2018 йилда мунажжимлар Қисқичбақа буржи вакилларига бироз сахийроқ бўлишни тавсия этади. Ёрдамга муҳтож оила аъзоларингиз ёки дўстингизга кўмак беринг. Ишончингиз комил бўлсин, қарзларингиз вақтида қайтарилади, ҳурматингиз эса ортади. Ит ҳимматингизга яраша сизни муносиб тақдирлайди.

Албатта, гап миллионлар ҳақида эмас, бироқ кичик эркаликларингизни қондириш ва таътил даврида муносиб даражада ором олишга етадиган маблағингиз бўлиши аниқ.

### АРСЛОН
**(23.07 - 23.08)**

Ҳайвонлар шоҳи – Арслон буржи вакиллари атрофдагиларга мол-мулкини ортиқча кўз-кўз қилишни яхши кўради. Шунга қарамай, катта миқдордаги харажатлар 2018 йилда сизни ҳоритиб қўйиши мумкин. Шу боис мунажжимлар ишқий муносабатлар учун сарфланадиган катта харажатлардан тийилишни тавсия этади. Келаси йилда даромаднинг асосий қисмини доимий иш жойингиздан топасиз. Касбий малакангизни ошириш, мақсадли тренинг ва машғулотларда иштирок этишга етарли даражада маблағ тўплаганингиз маъқул.

### ПАРИЗОД
**(24.08 - 23.09)**

Ит йили Паризод буржи вакиллари учун молиявий жиҳатдан қандай бўлиши ноаниқ. Паризод буржидагиларнинг ҳаётда нолимайдиган даражада маблағи бўлади, уларда келаси йилда бир неча бор даромад топиш имконияти юзага келади. Айниқса, баҳор ва ёз фаслида омадли лойиҳаларни амалга оширишингиз мумкин.

Кузнинг бошига келиб одатдагидек тежамкорликдан воз кечсангиз ҳам бўлади. Ундан аввалги кескин вазият туфайли яхшилаб дам олиш тавсия этилади. Йиғилган пулларга сиз нафақат зарур, балки ёқимли буюмларни харид қила оласиз.

### ТАРОЗИ
**(24.09 - 23.10)**

2018 йилнинг биринчи ярмида Тарози буржи вакиллари тез ўзгарувчан ва жиззаки феълларидан воз кечиб, катта харажатдан тийилгани маъқул. Ит оила маблағини тўғри режалаштириш қобилиятига эга инсонларга кўмак берадиган ҳайвон. Тўғри, Тарози буржидагиларга даромадларидан оқилона фойдаланиш одати ёқмаслиги мумкин. Бироқ юқоридаги маслаҳатга амал қилмаган тақдирда мазкур бурж вакиллари келгуси йилда «бир бор, бир йўқ» қабилида яшаши мумкин. Умуман олганда, янги йилда Тарози буржидагилар ўз маблағларини тежаб сарфлагани маъқул.

### ЧАЁН
**(24.10 - 22.11)**

Чаён буржи вакиллари пул билан осонликча хайрлашадиган ва камдан-кам ҳолатларда даромад ва харажатнинг ҳисобини тўғри юритадиган инсонлардир. 2018 йилда бу одат ҳаётингизни бироз чигаллаштириши мумкин. Ит ҳаддан ортиқ сарфловчиларни хушламайди. 2018 йилда Чаён буржи вакиллари ўз маблағларидан оқилона фойдаланмаса, жиддий синовларни бошидан ўтказади. Айни пайтда ўз даромади ва имкониятини тўғри баҳолаган мазкур бурж вакиллари келаси йилда бойиб кетиши ҳам мумкин.

### ЎҚОТАР
**(23.11 - 21.12)**

Ит йилида ушбу бурж вакиллари салмоқли миқдордаги мулкни қўлга киритиши мумкин. Бироқ бунинг учун улар аввало зарур миқдордаги пул маблағини жамғара олишлари зарур. Катта харажатлардан тийила олсангиз, йилнинг иккинчи ярмига келиб автомобиль ёки уйингизни алмаштиришга етарли даражадаги маблағни тўплаб қўясиз.

2018 йил касбий бандлик нуқтаи назаридан бироз зерикарли бўлиши кутилмоқда. Шу боис ором олишни ҳам унутманг. Умуман олганда, 2018 йил Ўқотар буржи вакиллари учун молиявий жиҳатдан барқарор келади, йил охирига бориб меҳнатингизга яраша мукофот оласиз.

### ТОҒ ЭЧКИСИ
**(22.12 - 20.01)**

2018 йилда Тоғ эчкиси буржи вакилларидан ёқимли ташвишлар учун салмоқли миқдорда молиявий харажат қилиш талаб этилади. Ниҳоят, узоқ кутилган таъмирлаш ишларини бошлаш ёки анчадан буён орзу қилган мамлакатга саёҳатга бориш имкониятига эга бўлишингиз мумкин.

Ит йилида ўз орзуингизни рўёбга чиқара оласиз. Бироқ бундай имконият табиатан камхарж, аммо бироз бўлса-да сахийликни кўрсата олган Тоғ эчкиси буржи вакилларида юзага келиши мумкин.

### ҚОВҒА
**(21.01 - 18.02)**

Афсуски, Қовға буржи остида таваллуд топган инсонлар учун келаси йил молиявий жиҳатдан осон келмайди. Кўп даромад топишни истаган Қовға буржидагилар ўзларига қўшимча иш излаб топиши лозим. Сиздаги тажриба ва бўш вақт бунинг уддасидан чиқишингизга ёрдам беради.

Пул билан боғлиқ ҳар қандай лойиҳага ҳақиқий мутахассис билан маслаҳатлашмасдан қўл урмаган маъқул. Хуллас, етти ўлчаб бир кесинг. Аммо, баҳор ва ёз фаслида омадли лойиҳаларни амалга оширишингиз мумкин. Мунажжимлар ҳар ойда кам-камдан маблағ олиб қўйиб, белгиланган режалари учун сарфлашни тавсия этади.

### БАЛИҚ
**(19.02 - 20.03)**

Балиқ буржи остида туғилганлар учун молиявий йил ёмон келмайди. Бироқ бу билан пуллар ҳамёнингизга осмондан келиб тушади, деб бўлмайди. Аксинча, унутманг, қанча кўп меҳнат қилсангиз, шунга яраша даромадга эга бўласиз. Кўп меҳнат қилишга одатланмаганлар ғайрат кўрсатмасдан ишлаб юрса ҳам бўлади. Бироқ улар ойликдан ойликкача маблағни тежаб сарфлашига тўғри келади.

Келгуси йилда қизиқарли бизнес лойиҳаларга тўқнаш келишингиз мумкин. Муҳими, жамғараётган маблағингиз шахсан ўзингизга тегишли бўлишида, деб ҳисоблайди мунажжимлар ўз башоратида.

КЎРГАЗМА

# Анъаналардан илҳомланган санъат

**Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тасвирий санъат галереясида намойиш этилаётган кўргазма ана шундай номланади.**



Тасвирий санъат галереяси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган мазкур кўргазма республикамизнинг барча ҳудудлари, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм каби вилоятлардаги музейлар тўпламидан энг сара тарихий либослар, заргарлик ва кашта намуналарини ўзида жамлади.

Ўзбек миллий либослари деганда кўз олдимизда атлас, адрас, беқасам каби ранг-баранг, нафис ва гўзал матолардан тикилган либослар гавдаланади. Асрлар давомида шаклланиб келган ва санъат даражасига кўтарилган ҳунармандчиликнинг бу тури ҳозирги кунга келиб ҳақиқий оммабоплик ва машҳурлик касб этди.

«Анъаналардан илҳомланган санъат» кўргазмаси ҳам тарихий меросимиз ва бой маданиятимизни жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш мақсадида ташкил қилинди.

*– Ҳар бир давр либоси ўша замон ва ҳар қайси миллат маданиятининг кўзгуси, – дейди* ***санъатшунос Саодат Рўзиева.*** *– Зеро, ҳар бир миллат либосига қараб турли даврлар кишиларининг кийиниши, одоб меъёрларини билиб олиш мумкин. Шу боис миллий либосларда халқлар қиёфаси акс этади. Улар аждодлар томонидан асрлар давомида яратилган ва сайқалланиб келган миллий мерос саналади.*

Ўзида Ўзбекистоннинг энг бой миллий либослар тўпламларини қамраб олган мазкур кўргазмада XIX-XX асрларга оид тарихий либослар, чопонлар, бош кийимлар, кашталар, сўзаналар ва аёллар тақинчоқларини томоша қилиш мумкин.

Кўргазма 2018 йилнинг 9 январигача давом этади.

***Наргиз АҲМЕДОВА.***

Реклама




БАНК АХБОРОТНОМАСИ
АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС
*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки*
*«Norma Hamkor» МЧЖ*
*«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ*

БОШ МУҲАРРИР
*А.Н. НАЗАРОВ*
Нашр учун масъул
*З.М. ЭРНАЗАРОВА*
ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ
«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ
ДИРЕКТОР
*Р.Л. ВАЛИЕВ*
Газета таҳририятнинг техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КЎМАГИ
ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА
ТАҲРИРИЯТ МАЗИЛИ:
100060, Тошкент ш.,
Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.
e-mail: info@banknews.uz,
www.banknews.uz
Реклама ва эълонлар учун 232-45-32 телефони орқали мурожаат қилинг. Факс: 232-43-98.
Нашр индекси – 102.

*Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан «Банк ахборотномаси»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади.*
*Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.*
*Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан* ***2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами*** *билан рўйхатга олинган.*
*Газета ҳафтада бир марта пайшанба куни чиқади.*
Буюртма № г 1289.
Адади 4404 нусха.
Нархи шартнома асосида.
Газета А3 ҳажмда, 4 шартли босма табоқда чоп этилди.
Босишга рухсат этилди: 27.12.2017 й., 9.00.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.** Корхона манзили: **Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**